

Ўзбек адабиётининг етак носирларидан бири Саид Ахмад Хусанхўжаев 1920 йили Тошкентнинг Самарқанд дарбоза махалласида зиёли оиласида дунёга келди. Шу ерда ўрта мактабни (1939) битириб, Олий ўқув юртида (1940—1941) таълим олган. Адабиёт дарслари ва тўғаракларида ижодга бўлган хаваси ортиб, кўлга калам ушлаган, вақтли матбуот унинг ижод дорилфунуни бўлган. Саид Ахмад дастлаб «Муштум» ойномасида, Радио комитетида (1942—1943), «Кизил Ўзбекистон» рўзномаси (1943—1947), «Шарк юлдузи» ойномасида (1948—1950) ва сўнгги йилларда у Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси қошидаги наср бўлимига бошчилик қилади. Унинг биринчи хикоялар тўплами «Тортик» 1940 йилда нашр этилади.

Уруш ва урушдан сўнгги йилларда Саид Ахмад кўплаб фелъетон, очерк ва хикоялар ёзди. «Ер юрак» (1942), «Фаргона хикоялари» (1948), «Мухаббат» (1949) каби тўпламлар нашр этилди. Улуг Ваган уруши даври воқеаларига бағишланган «Хазина», «Хайкирик», «Раҳмат азизларим» каби хикояларида автор урушнинг дахшатли оқибатларини ҳаяжонли тасвирлайди, уруш қаҳрамонларини улуглайди.

Адибнинг хикояларида Ойбекнинг психологик тасвир маҳорати, Гафур Гуломнинг юмори, Абдулла Қаҳҳорнинг баёндаги лаконизми мужассамдир.

Саид Ахмаднинг барча хикоялари замонавий мавзуда ёзилган. У хикояларида тасвирлайдиган ҳар бир воқеадан фалсафий умумлашма чиқаришга, воқеаларни лирик таъсирчанлик билан ифодалашга, бадиий приёмларнинг хилма-хиллигига эришишга интилади. «Чўл бургути», «Ўрик домла», «Лочин», «Одам ва бўри», «Бўстон», «Тўй боши» каби катор асарлари Саид Ахмад ижодида ҳам, ўзбек насрида ҳам янгилик бўлди, Адиб хикояларининг бош қаҳрамони ички дунёси бой ва пок бўлган замондошларимиздир. Муаллиф «Тог афсонаси», «Зумрад», «Мухаббатнинг тугилиши», «Кўзларингда ўт бор эди», «Пойкадам», «Алла», «Икбол чироклари» асарларида ҳаётий характерлар яратди.

Саид Ахмад ҳажвий хикояларида тараккиётжмизга тўсик бўлаётган ярамас урф-одатлар устидан кулади, янгича маънавий-ахлоқий масалаларни ўртага қўяди. Аксинча, ўзбек психологиясига сингмайдиган, миллийликдан йирок беватан, бемиллат, янгича урф-одатлар, удумлар устидан ҳам қаҳқаха отиб кулади. Унинг «Ханка билан Танка» «Лампа шиша» каби ўнлаб ҳажвиялари шулар жумласидандир. Саид Ахмад кичик ҳажвий асарлари билан ўзбек радио ва телевидениесида кувнок миниатюралар театрига асос солган.

Саид Ахмад хикояларидан аста-секин йирик полотнолар яратишга ўтди. 1949 йилда чоп этилган «Кадрдон далалар» ва «Хукм» (1958) қиссалари шулар жумласидандир.

«Уфқ» романида (1964) Улуг Ватан урушининг оловли йилларида ўзбек дехконларининг фронт орқасида кўрсатган меҳнат қаҳрамонликлари атрофлича хикоя қилинади. «Уфқ» трилогия бўлиб, ёзувчи унда урушдан олдинги ва ундан кейинги давр ҳаётий муаммолари ҳақида баҳс юритади. У ўзининг «Жимжитлик» (1988) романида эса тургунлик даври иллатларини фош этишга интилади.

Саид Ахмад мохир драматург сифатида ҳам танилди. Унинг «Келинлар кўзголони», «Куёв» каби сахна асарлари шулар жумласидандир.

Саид Ахмад ҳам катагонлик зулмининг иккинчи тўлкинига дучор бўлган, лагер азобларини тортган ижодкордир. Ўз таланти ва она халкига садокат, катта ишонч адибни сўз санъаткори даражасига етказган.

Ижодкор таржима ишлари билан ҳам фаол шугулланган. Жумладан, Б. Полевой, А. Мусатов, О. Гончар каби ёзувчилар асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Айни чоғда адибнинг кўпгина хикоялари қардош ва хорижий тилларга ағдарилди.

Саид Ахмад ўзининг кувнок, оромбахш хикоялари ва салмоқли романлари билан ўзбек прозаси ривожланишига катта хисса қўшиб келаётган илгор ёзувчидир. У Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Хамза мукофоти совриндори ҳамдир.